

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Amirqulov Sardor Tolibjon o'g'li

Toshkent shahar adliya boshqarmasi ma'sul xodimi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15400495>

Аннотация: ушбу мақолада интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарблиги ҳамда ушбу соҳада адлия органлари томонидан амалга оширилган ишлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: адлия органлари, интеллектуал мулк, интеллектуал мулк объектлари, товар белгилари.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимояланиши ушбу соҳанинг янада ривожланиши учун замин яратувчи асослардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимояси аллақачон жуда ҳам долзарб масалага айланиб улгурган. 2020 йил 12 октябрда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ўтказилган интеллектуал мулк муҳофазасига бағишланган йиғилишида таъкидлаган қуйидаги фикрлари буни исбот этади: “Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади”¹. Шундан сўнг ушбу соҳага эътибор янада кучайди. Жумладан 2021 йилда “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони қабул қилинди. Шунингдек 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 моддасида интеллектуал мулкнинг қонун билан ҳимоя қилиниши бевосита мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқорида таъкидланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда интеллектуал мулкни тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи махсус қонунлар орқали интеллектуал мулк ҳимояси назарий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалий қадамлар ташланди. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда албатта адлия органларининг ўрни катта. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, адлия органларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, ҳудудий адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари киради².

¹ [Prezident intellektual mulk muhofazasi bo'yicha yig'ilish o'tkazdi – O'zbekiston yangiliklari – Gazeta.uz](#)

² <https://lex.uz/docs/-3681790>

Интеллектуал мулк бу инсоннинг янгилик ва ўзига хосликка эга бўлган интеллектуал фаолияти натижалар ҳисобланади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, инсон ижоди фаолияти маҳсуллари яратиш, улардан фойдаланиш, фарқлаш белгиларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси, мажмуи ҳисобланади³.

Адлия органлари томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш иқтисодий ўсиш ва инновацияларнинг ривожланишига ва ихтирочи ва ижодкорларга яратган объектлари учун муносиб ҳақ олишига хизмат қилади.

Ушбу мақсадда адлия органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимояланганлик даражасини ошириш юзасидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширув ўтказилиб, аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф етиш юзасидан қонунчилик талабларини бузган жисмоний ва юридик шахсларга қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари кўрилди.



Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир самарали усулларида бири бу айнан шу соҳада содир етиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш яъни унинг профилактикаси.

2024 йилда адлия органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш мақсадида бозорлар, савдо мажмуалари ва кўчма савдо объектларида профилактика тадбирлари ўтказилди. Профилактика тадбирлар давомида фуқароларда интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида,

³ 2. О.Оқюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2005. – 40 б.

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, ихтиро, фойдали модел ва саноат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари, контрафакт маҳсулотлар ва унинг учун жавобгарлик чоралари хусусида тайёрланган тарқатма материаллар фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига тарқатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, интеллектуал мулк ҳимоясининг энг самарали йўли – бу жамиятда интеллектуал мулкка бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат.

Қачонки, жамиятда интеллектуал мулк бузилишига нисбатан тоқацизлик руҳи шаклланса, интеллектуал мулк дахлсизлиги таъминланса, ихтирочи ва ижодкорларга яратган объектлари учун муносиб ҳақ тўланса, ушбу соҳа инвестициялар учун жозибадор бўлади ва шубҳасиз иқтисодиётни тараққий еттиришга замин яратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда нафақат давлат идоралари балки, барча фуқаролар ҳам бирдек масъулмиз.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси/Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-son.
2. О.Оқюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2005. – 40 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2024-й., 06/24/80/0364-son.
4. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/10/12/intellectual-property/>.

